

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI

TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO‘JALIGINI
MEXANIZATSIYALASH MUHANDISLARI INSTITUTI BUXORO
FILIALI

TA‘LIM YO‘NALISH: 5310200 - «ELEKTR ENERGETIKASI
(SUV XO‘JALIGIDA)»

KAFEDRA «QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGIDA ENERGIYA TA‘MINOTI»

Himoyaga ruxsat etildi:
kafedra mudiri A.A.Xudoyberdiyev

«_____» _____ 2018 y.

BAKALAVR DARAJASINI OLISH UCHUN
BITIRUV MALAKAVIY ISHI

MAVZU: Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish .

Bajardi:

Hayitov D.

Bitiruv ishi raxbari:

katta o‘qituvchi. Xudoyberdiyev A.A.

BUXORO – 2018

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO‘JALIGINI
MEXANIZATSIYALASH MUHANDISLARI INSTITUTI BUXORO
FILIALI

«QXM» fakulteti
5310200 Elektr energetikasi (suv
xo‘jaligida) yo‘nalishi

«Q va SXET» kafedrası
4.1 guruhi

“TASDIQLAYMAN”

Kafedra mudiri: katta o‘qituvchi

_____ **A.A.Xudoyberdiyev**

«_____» _____ 2017 y.

BITIRUV MALAKAVIY ISHI BO‘YICHA TOPSHIRIQ

Talabaning familiyasi, ismi, sharifi

Hayitov D.

Bitiruv ishi mavzusi. Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish
17.dekabr 2017y. Kafedra majlisida ma’qullangan.

Bitiruv malakaviy ishini topshirish muddati 15.05.2018y

Bitiruv malakaviy ishini bajarish uchun dastlabki ma’lumotlar va asosiy manbalar. Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish yo’llari xaqida ma’lumotlar. Asinxron motori tuzilish ishlash tarsi, mexanik va elektr qismlari buyicha o‘quv va maxsus adabiyotlar, topish. Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish uchun ma’lumotlar to’plash.

Hal etilishi lozim bo‘lgan savollar. **1.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish yo’llarinig asosiy ko‘rsatkichlari, **2.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda mikroprotessor tanlash. **3.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish himoya tizimini hisobi. **4.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish jixozlari va ularni hisobi.**5.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda DELFI yoki CI++ dasturlash tillaridan foydalanish.**6.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda energiya tejash chora tadbirlari ishlab chiqish.**7.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish hayot faoliyati va texnik xavfsizlik choralari ishlab chiqish.**8.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda texnik yechimlarining iqtisodiy samaradorligini baxolash.

Ishning grafik qismi chizmalarining mazmuni. **1.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish sxemasi va asosiy xarakteristikasi. **2.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda ichki elektr tarmog‘i. Plani. **3.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishni joylashishi. **4.** Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda erlash plani.

5. Bitiruv ishi bo'yicha maslaxatchi (lar)

| | | | |
|-------------------------------------|-------------------------|-------------------|----------------------|
| Bo'limi mavzusi | MASLAHATCHILAR F.I.O | Imzo, sana | |
| | | Topshiriq berildi | Topshiriq bajarildi. |
| Hayot faoliyati xavfsizligi(HFX) | _____ | | |
| Texnik-iqtisodiy bo'lim | _____ | | |

7.Bitiruv ishini bajarish rejasi.

| T.r | Bitiruv malakaviy ishining bo'limlari | Qismlarni bajarish muddati | Izoh |
|-----|---|-------------------------------|------|
| 1 | Kirish. Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish yo'llarinig asosiy omillari. | 22.01.2018-31.01.2018y | |
| 2 | Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda mikroprotessor tanlash. | 04.02.2016-15.02.2016y | |
| 3 | Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish himoya tizimini hisobi. | 25.02.2018-15.03.2018y | |
| 4 | Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish jixozlari va ularni hisobi. | 18.03.2018-22.03.2018y | |
| 5 | Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda C++ va DELFI dasturlash tilidan fotoydalanish. | 30.03.2018-06.04.2018y | |
| 6 | Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda energiya tejash chora tadbirlari ishlab chiqish. | 08.04.2018-27.04.2018y | |
| 7 | Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish hayot faoliyati va texnik xavfsizlik choralari ishlab chiqish | 06.05.2018-13.05.2018y | |
| 8 | Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishda texnik yechimlarining iqtisodiy samaradorligini baxolash. | 18.05.2018-25.05.2018y | |

Bitiruv ishi rahbari _____ katta o'qituvchi. Xudoyberdiyev A.A.

Bajarish uchun qabul qildim _____ Hayitov D.

Topshiriq berilgan sana " _____ " _____

Mundarija

| | |
|--|------------------|
| Kirish..... | 5 |
| I Bob. Asosiy qism..... | 6 |
| 1.1. Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish Zamonaviy mikroprotessorli texnika­lar­ni qўllanilishi va xususiyat­lari..... | 6 |
| 1.2. АСИНХРОН МОТОРЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ..... | 12 |
| 1.3. Фаза роторли асинхрон моторни ишга тушириш..... | 13 |
| 1.4. Қисқа туташтирилган асинхрон моторни ишга тушириш..... | 15 |
| II-Bob. АСИНХРОН МОТОРЛАР ТЕЗЛИГИНИ РОСТЛАШ..... | 19 |
| 2.1. АСИНХРОН МОТОРЛАР ТЕЗЛИГИНИ РОСТЛАШНИ НАЗАРИ ҲИСОБИ. | |
| 2.2.Аsinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarishда C++ дастурлаш тилидан фойдаланиш ва АТМЕГА – 8 МИКРОКОНТРОЛЛЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ..... | 26 |
| 2.3. ЭХМ ДА АТМЕГА – 8 МИКРОКОНТРОЛЛЕРДА C++ ТИЛИДА ДАСТУРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ | 28 |
| III- Bob. Меҳнат муҳофазаси тадбирларининг иқтисодийкўрсаткичларини аниқлашга компьютер дастури..... | 43 |
| IV Bob. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги . | |
| Инсон организмнинг шикастланиш оқибатига ток ўтиш давомийлигининг таъсири..... | 46 |
| 4.1. Одам танаси орқали ток ўтиш йўлининг шикастланиш оқибатига таъсири..... | |
| <u>Хулоса.....</u> | <u>55</u> |
| <u>Фойдаланилган</u> | <u>56</u> |
| <u>Иловалар.....</u> | <u>57</u> |

Kirish

Мавзунинг долзарблиги: Бугунги кун – биз яшаётган аср ахборот технологиялари асри сифатида эътироф этилмоқда. Бунда жадал суръатлар билан ривожланиб келаётган замонавий ахборот технологияларнинг бекиёс ўрнини таъкидлаш жоиздир. Янги ахборот технологиялардан бугунги кунга келиб жамиятимизнинг барча соҳаларида кенг фойдаланилмоқда

Электроника ва Микропроцессор техникаси элементларнинг ишлатилиш соҳалари ва бошқарув жараёнларида кулланилиши Электроника саноат ишлаб чиқаришини XIX-XX асрда ривожланиши билан бирга пайдо бўла бошлади. Радиони кашф этилиши электроникани ривожланишига асосий туртки бўлди. Биринчи марта электромагнит тўлқинлар ёрдамида сигналларни узок масофага узатиш масаласини ва ечимини рус олими А.С.Попов 1889 йилда ишлаб чиқди ва 1895 йилда дунёда биринчи бўлиб радиони кашф этди. 1904 йил эса инглиз олими Я. Флеминг икки электродли электровакуумли ускуна – диодни кашф этди ва радиода қўллади. 1907 йилда америкалик олим Ли де Форест уч электродли электрон лампа – триодни яратди. Булардан кейин юқорида яратилган лампаларни такоммиллаштириш, юқори қувватли лампалар яратиш устида ишлар олиб борилди. Ўтган асрнинг 30-40 йилларида ускуналарда жуда кўп сон электрон лампалар қўллана бошланди. Лекин буларнинг ўлчамлари катталиги, иш давомийлиги қисқалиги, энергияни кўп сарф қилиши уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни чеклай бошлади. Буларни бартараф этиш йўлида кўпгина амалий ишлар олиб борилиб, ярим ўтказгичли элементлар яратилди. Ярим ўтказгич элементларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш масалаларини академик А.Ф.Иоффе биринчилардан бўлиб кўриб чиқди.

Bitiruv malakaviy ishning asosiy maqsadi: Электроника илм ва техниканинг асосий йўналишларидан бўлиб, қуйидагиларни ўрганади: а) Электровакуум ва ярим ўтказгичли элементларда физик жараёнларни; б) Электровакуум ва ярим ўтказгич элементларни электр тавсифномалари, ва катталикларини; в) Электровакуум ва ярим ўтказгичлардан тузилган ускуналар ва тизимларнинг хусусиятларини. 1. Информацион электроника – бу электрон ҳисоблашва информацион ўлчов техникасини асосини ташкил қилади. Буларга маълумотни қабул қилгич, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ускуналари киради. 2. Энергетик электроника – ўрта ва юқори қувватли электр энергияни ўзгартирувчи ускуна ва тизимлари билан боғлиқ. Буларга ўзгартиргичлар, инвенторлар, частотали ўзгарткичлар ва бошқа ускуналар киради. 3. Электрон технология – электромагнит

тўлқинлар ёрдамида қўлланиладиган ускуналар ёрдамида бўладиган технологик жараёнларда қўлланиладиган ускуна ва услубларни ўз ичига олади. Буларга юқори частотали қиздириш ва эритиш, ультратовушли пайвандлаш ва кесишлар киради.

Vazifalar: «Электроника ва Микропроцессор техникаси» ривожланиши билан автоматиканинг техник воситалари, уларнинг классификацияси ва тузилиши ва бошқа ўзгартгичлар; автоматик тизимларда датчиклар, ростлаш курилмалари, ижро механизмларининг ишлаш принциплари, характеристикалари ва параметрларини; автоматик воситаларнинг элементлар базасини танлаш ва улардан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш лозимдир.

Bitiruv malakaviy ish mavzusi obekti. Mamlakatimizda energiya tejamkorligini ta'minlash innovatsion texnologiyalarni qo'llash zamonaviy texnika texnologiyalarni kundalik hayotimizga davlatimiz rahbari tomonidan atrof-muhit va aholi salomatligini muhofaza qilish, ijtimoiy-iqtisodiy sohalarga tejamkor, ekologik toza texnologiyalarni keng jalb etish, diyorimizning boy qayta tiklanuvchi energiya manbalarini ravnaq toptirib, ularni aholi turmish darajasi va sifatini yanada oshirishga yo'naltirishga alohida e'tibor qaratilayapti. Zamonaviy elektr uskunalardan foydalanish samaradorligini asoslash tadqiqot obyekti sifatida, avtomobil yo'llari, istirohat bog'lari, na'munaviy uylar ko'chalari, issiqxonalarni zarur hollarda yoritish tizimini tadqiq qilish tadqiqot predmeti sifatida olingan.

Bitiruv malakaviy ishning amaliy ahamiyati. Ushbu bitiruv malakaviy ish maxsus adabiyotlar ma'lumotlari asosida yozildi. Unda asosan tungi vaqtlarda ko'chalarni yoritishning zamonaviy uskunalardan va innovatsion energiya tejamkor jihozlardan foydalanish muammolar va ularning yechish yo'llari o'rganildi. Energiya tejamkor va uzoq muddat ekspluatatsiyaga bardoshli yoritish jihozlaridan foydalangan holda XXI asrda ekologik toza va yanada iqtisodiy yuqori samaraliroq texnologiyalarni qo'llash innovatsion yangiliklarni tadbiq etish va buni amalda qo'llash mumkinligi, ular yordamida katta iqtisodiy foyda ko'rish istiqbollari, elektr energiyani tejash imkoniyatlarini yaratishi, Elektr energiyani uzoq masofalarga yetkazib berish energiya uzilishlarini oldini olish atrof-muhit ekologiyasini yaxshilashi, katta iqtisodiy daromad ko'rish mumkinligi ma'lumotlar asosida ko'rsatib berildi.

I Bob. Asosiy qism .

1.1. Asinxron motorli elektr yuritmasini mikroprotessorli boshqarish Zamonaviy mikroprotessorli texnikaalarni qўllanilishi va xususiyatlari.

Boshqaruv sistemalaridaagi mikroprotessorlar funktsiyalari taхlili.

Қишлоқ ва Сув хўжалиги комплексининг функцияси самарадорлигини оширишнинг бош йўналишларидан бири - микропротоссорли техника жиҳозларини жорий қилиш асосида технологик жараёнларни автоматизациялаш, микропротоссорлар базасида назорат - ўлчов аппаратларини, микропротоссорли бошқарув комплексларини яратиш.

Микропротоссорли қурилмалар автоматик бошқарув системаларидаги куйидаги асосий функцияларини бажариш имконини беради:

Автоматик бошқарув системалари (АБС) ўлчов қурилмаларининг чиқиш жойидан олинадиган сигналлар кодларини ўзгартириш ва бирламчи қайта ишлаш, йиғиш.

Вақтнинг реал масштабида бошқарув таъсирлари кодларини чеклаш.

Берилган ва ўлчанган бошқариш катталиклари аҳамиятлари сигналларини келтириш аҳамиятлари йечиш.

Бошқарув таъсирлари кодларини берилган бошқариш алгоратим асосида формалаш.

АБС ижрочи қурилмаларига бошқарув таъсир кодларини узатиш.

АБС элементларини кучланишдан ҳимоялаш ва блокировка алгоритмларини харид қилиш.

АБС юқори қатламида турадиган бошқарув ҳисоблаш комплекслари билан ахборот алмашиш.

Вақтнинг реал масштабида бошқарилаётган жараёнларни моделлаштириш ва бошқариш сифатларининг интеграл боҳаларини йиғиш.

АБС бошқарув органларидан ахборотлар кириш алгоритмларини харид қилиш.

Чиқиш алгоритмларини харид қилиш ва уларни индикациялар жиҳозлари ёрдамида ахборотнинг қулай формасида тақдим этиш.

АБС нинг датчиклари чиқишидаги сигналлар кодларини йиғиш устувор масалалар билан қаттиқ циклик ёки юмшоқ дастурлар бўйича ўлчов қурилмаларини ўрнатилган навбатда сўров асосида амалга оширилади. Кодларни ўзгартириш ўлчов сигналларининг тўғрилигини ошириш мақсадида амалга оширилади ва уни линеаризациялаш, ўлчовлар аномал натижаларини саралаш, ўлчовлар натижаларини рақамли филтрлаш ва селекциялаш якунига эга. Шу билан бир қаторда, зарурият туғилганда ахборотларни қайта тиклаш ва ихчамлаш ҳам амалга оширилади.

Берилаётган таъсирлар кодларини чеклаш АБС ишлар дастури ОЗУ га микропроцессор қурилмасини киритиш ёки унинг ПЗУ да сақланиши асосида амалга оширилади.

Келтириш сигналлари деганда берилаётган таъсирлар кодлари фарқлари ва узилмас бошқарув таъсирлари ўлчовлари натижалари тушинилади. Улар асосида бошқарувнинг берилган алгоритми билан бошқарув таъсирлари кодлари яратилади.

Микропроцессорларни қўллаш бошқарувининг турли алгоритмларини харид қилиш учун имкониятларини кенгайтириш ва ҳисоблаш имкониятларини кенгайтириш ва ҳисоблаш операцияларини юқори тўғрилигини таъминлаш имконини беради.

АБС нинг ижрочи қурилмаларига бошқарув таъсирлари кодларини узатиш бошқариш қурилмаси вақтинчали диаграммалари билан улар ишлари циклларини келиштириш масалаларини йечишни тахмин қилади.

АБС элементларини кучланишдан ҳимоялаш бошқариш катталикларинг ўлчов хусусиятлари комбинацияларини ва датчиклари дискрет сигналларини

таҳлил асосида амалга оширилади. Таҳлил дастури ПЗУ да сақланади. Сигналларнинг нормадан ортиқ фарқларида бошқарув таъсирлари уларни ўчириш йўли орқали блоклаштирилади ёки хавфсиз хусусиятларда қайд этилади.

Қоидага мувофиқ, қийин технологик жараёнларни бошқариш микропроцессор системалари, юқори сатҳида бошқарув компьюттери, пастки сатҳида бошқарувнинг локал компроцессор контурлари жойлашган иерархик структура шаклида реализация қилинади.

АБС нинг иккита сатҳлари ўртасида ахборат алмашиши таъминланиши лозим. Микропроцессорли система иерархиянинг жуда юқори сатҳли компьюттери билан технологик жараённи бошқариш локал ҳисоблаш тармоғи таркибига киритиш учун алоқа қилишни амалга ошириши лозим.

Бошқарув компьюттери оптимал бошқарув ва статик оптаимизация масалаларини йечишда бошқаришнинг локал контурлари учун берилаётган таъсир кодларини генерация қилади ва узатади. Юқори сатҳли бошқарув компьюттерига бошқарув объекти ҳақида ахборот, локал контурлар бошқариш мақсадларига йетишиш ва уларнинг аппаратура тармоқлари ҳолати узатилади.

Вақтнинг реал масшбаида бошқарилаётган жараёларини моделлаштириш ва бошқариш сифатларининг интеграл баҳоларини йиғиш масаларини микропроцессорли реализациялаш интеграл баҳоларнинг бир қатор факторлар ҳисобига формалаш аниқлигини бир мунча ошириш имконини беради. Ушбу факторлар ҳисобига рақамли интеграциялашда интеграцияланаётган ўзгарувчан дрейфнинг йўқлигини киритиш мумкин, интеграл баҳолашнинг ва реализация қилинаётган бошқарув объекти моделини параметрларини юмшоқ созлаш имконияти.

Микропроцессор қурилмалардан фойдаланиш АБС бошқариш органларидан ахборотлар киритиш алгоритмларини реализациялаш ва индикациялар қурилмаларидан ахборотларни чиқариш, бошқарув органлари ва индикациялари операторининг нотўғри ҳаракаталаридан юқори самарали

дастурли ҳимоялаш ҳисобига сонларини қисқартиради ва фойдаланувчи учун қулай шаклда ахборот ларни тақдим қилиш.

Жиҳозларининг ишлаш фаолиятини аниқ назорат қилиш ва бутун технологик жараёнларни бошқариш талаблари бошқаришнинг микропроцессорли системаларига, бошқаришнинг асосий вазифалари бўлиб, шунингдек бир қатор қўшимча вазифаларга юкланади.

Диагностика ва назорат - технологик жараёнларни бошқариш микропроцессор системаларининг вазифаларидан бири бўлиб, бошқариш системаларининг диагностикаси (микропроцессор қисмлари билан), ҳамда бирча технологик жиҳозларнинг диагностикаси ва назоратини ўз ичига олади.

Жиҳозларнинг алоҳида системалари ҳолатини текшириш ва диагностика қилиш қисқартилаган иш цикли (циклик ишлаш қурилмаларида) йўли билан ёки барча системалар вазифаларининг уларнинг иш циклига тайёргарлик босқичида тўғрилигини текшириш билан амалга оширилади.

Жиҳозлар диагностикасини лойиҳалаштиришда бир қатор ҳолатларда системалар ҳолатини қайд қилувчи махсус датчиклар ўрнатиш зарурлиги кўзда тутилган.

Баъзи параметрлар алгоритмик тарзда текшириши мумкин, масалан иш ҳажми тезлиги хусусиятлари берилган босим ва унга еришиши вақти бўйича аниқланади. Механик системалар ҳолати ҳам командалар бажарилиши вақти бўйича аниқлаш мумкин.

Муҳим вазифалардан метрологик диагностика ва унинг якуний натижаси - жиҳозларнинг метрологик аттестацияси ҳисобланади.

Программалаштириш - бошқаришнинг микропроцессор системалар, параметрлар ва кўп номенклатурали ишлаб чиқаришда жуда зарур бўлган технологик жараёнлар хусусиятларини тезкор ўзгартириш имконини берадиган функция.

Бошқариш дастурларини қилиш - бошқарув системасининг асосий функцияси бўлиб, технологик цикл ва жараёнларн параметрларининг кетма - кетлигини бошқариш реализацияси. Шунини таъкидлаш керакки, технологик жараёнлаини бошқаришнинг конкрет системаларини яратишда техник воситаларининг турли кўринишлари мумкин: циклли бошқаришнинг микропроцессор контроллерали, аналог регуляторлар, тўғридан - тўғри рақамли бошқариш қурилмалари ва бошқалар.

Операциялар ўртасидаги назорат ва технологик шароитлар натижалари бўйича жараён параметрларини коррективировка қилиш муҳим функция хисобланади. микропроцессор системага махсус функциялар ҳам юкланиши мумкин: ҳисоб - китоби жараённинг ўзгариш моменти ва тугашини аниқлаш учун, ҳароратли майдонларни профиллаштириш, кўп алоқали созлаш ва бошқалар. Бундай функциялар турли - туманлиги ва улар сони тўхтамасдан ўсмоқда.

Жараён параметрларини кўрсатиш ва ҳужжатлаштириш - технологик жараёнларни қайта ишлаш учун зарур бўлган, ҳамда жараён тўғри ўтишини назорат қилиш учун ишлаб чиқариш шароитлари ва паспортизациялаш функцияси.

Юқорида кўрсатилгандек, технологик жараёнлар автомазацияси оптимал бошқариш услублари ва мделларида базалаштирилган. Оптимал бошқариш услубларини реализация қилишда ахборатларни қайта ишлаш функциялари ва технологик жараённи бошқариш ижрочи қурилмаларига керакли бошқарув таъсирларининг берилиши бош рол уйнайди.


Технологик жараённинг автоматик бошқарувнинг бир каналли система структурасини кўриб чиқамиз Бошқарувчи таъсир $u(t)$ технологик процесснинг берилган $x_3(t)$ ҳақиқий ҳолатини $x(t)$ таққослаш асосида бошқариш қурилмаси билан шакилланади.

Аслида бошқариш қурилмаси ўхшаш системаларда хатолар ўлчов функцияси ҳисобланган.

Бошқарув сигнали ишлаб чиқаради, бу йерда $H[\dots]kx, (t)-x(t)$ - хато ўлчови, технологик жараён параметрларининг $x(t)$ ҳақийқий ва бўлажак хусусиятлари ўртасидаги тафовутни характерловчи.

Бошқарув сигналининг $u(t)$ лаҳзали аҳолиси лаҳзали алоқалар функцияси ҳисобланади.

Оптималь бошқариш системаларида параметр x характери ўзгариши маълумотларини ҳисобга олган ҳолда келишишлар инобатга олинади. Қайд етилган бошқарув интервалидаги интеграл ўлчов хотасини J инобатга олиш керак: Хусусан маълумки, J хатолар критерийсини минималаштириш зарур.



4.1-расм. Технологик жараённи автоматик бошқарувчи бир каналли система структураси.

1.2. АСИНХРОН МОТОРЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ

Асинхрон моторнинг ишга тушириш токи ифодаси S ўрнига унинг $S=1$ қийматини қўйиб қуйидагича аниқланади:

$$I_{\text{ишт}} = \frac{U_{1\phi}}{\sqrt{(R_1 + R_2^k)^2 + (X_1 + X_2^k)^2}} \quad (10-1)$$

Қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторларнинг ишга тушириш токи $I_{\text{ишт}} = (5 \div 8)I_{\text{н}}$ бўлиб, унинг нисбий қиймати $\frac{I_{\text{ишт}}}{I_{\text{н}}}$ мотор каталогларида берилади. Ишга тушириш токи катта бўлишига қарамай, асинхрон моторнинг ишга тушириш momenti нисбатан кичик, яъни $M_{\text{ишт}} = (1 \div 2)M_{\text{н}}$ ни ташкил қилади. Ишга тушириш моментининг ток сингари катта қийматга эга бўлмаслигини айлантирувчи моментнинг қуйидаги (10-2) ифодасидан тушиниш мумкин. Асинхрон моторнинг вектор диаграммасига биноан $I_2^k \frac{R_2^k}{s} = E_2^k \cos \psi_2$, Бу ифодадан аниқланган $\frac{R_2^k}{s}$ қийматини (9-9) дагига қўйиб қуйидаги олинади:

$$M = \frac{mI_2^k}{\omega_1} = E_2^k \cos \psi_2$$

Аммо $E_2^k = E_1 = 4,44 k_{\text{ч1}} W_1 f_1 \Phi_{\text{м}}$ бўлгани учун айлантирувчи момент учун қуйидаги ифода олинади:

$$M = \frac{mI_2^k}{\omega_1} 4,44 k_{\text{ч1}} W_1 f_1 \Phi_{\text{м}} \cos \psi_2 = k_{\text{м}} \Phi_{\text{м}} I_2^1 \cos \psi_2 \quad \text{Нм}, \quad (10-2)$$

бунда $k_{\text{м}} = \frac{m \cdot 4,44 k_{\text{ч1}} W_1 f_1}{\omega_1} = \text{const}$ – момент доимийси; $I_2^1 \cos \psi_2$ – ротор токнинг актив қисми.

Демак, асинхрон моторнинг айлантирувчи momenti ҳам ўзгармас ток моторники сингари ифодаланиб, магнит оқим ва токнинг актив қисми билан аниқланади. Ишга тушириш пайтида $S=1$ бўлгани сабабли ротор индуктив қаршилигининг максимал қиймати $X_{2\text{макс}} = 2\pi f_2 L_2 = 2\pi f_1 L_1$ да момент ифодасига $\cos \psi_2$ ўзининг минимал қийматига эга. Шу сабабли $M_{\text{ишт}}$ нинг қиймати $M_{\text{н}}$ га яқинроқдир. Бу эса асинхрон моторнинг камчилигидир. Хақиқатан, $M_{\text{ишт}} = M_{\text{н}}$ бўлса, номинал юклама билан асинхрон моторни ишга тушириш имкони умуман бўлмайди. Мотор каталогларида $\frac{M_{\text{ишт}}}{M_{\text{н}}}$ қиймати ҳам берилади.

1.3. Фаза роторли асинхрон моторни ишга тушириш

Турли машина ва механизмларни ҳаракатга келтириш учун, иложи борича, қисқа туташтирилган роторли моторлар танлаш тавсия қилинади. Фаза роторли моторларнинг эса тузилиши мураккаброқ, нархи қимматроқ бўлгани учун уларни фақат частотаси ростланадиган баъзи кранларда, прокат станларида, пресс ва маховикли қурилмаларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай моторларнинг максимал моменти $M_{\text{макс}} = 1,5 \div 3,5 M_n$ бўлиб, уларнинг ишга тушириш токи махсус резистор билан чегараланади. Бу резистор бир неча поғона актив қаршиликлардан иборат бўлиб, моторни ишга туширишда бу қаршиликлар ротор занжирига киритилган бўлиши лозим. Мотор айланиш частотасининг ортиб бориши билан қаршилик поғоналари ротор занжиридан чиқариб борилади. Ротор занжирига киритиладиган ташқи актив қаршиликни кўпайтириш билан $S_{\text{кр}}$ нинг қиймати (9-12) ифодага биноан ортиб боради. Бундан $M_{\text{макс}}$ нинг қиймати ўзгармай, $S_{\text{кр}}$ нинг кўпайиши томон сурила бошлайди (10.1-расм). Ротор занжирдаги актив қаршиликни $R_2^k = X_1 + X_2^k$ гача кўпайтириб борилса, ишга тушириш токи $I_{\text{ишт}} \simeq 2 \div 2,5 I_n$ гача камайиб, ишга тушириш моментининг қиймати эса айлантирувчи моментнинг максимал қийматигача ортиб боради.


Демак, $R_2^k = X_1 + X_2^k$ бўлганда $S_{\text{кр}} = 1$ бўлиб, $M_{\text{ишт}} = M_{\text{макс}}$ бўлади. Агар R_2^k қийматини $R_2^k > X_1 + X_2^k$ қилиб, уни яна кўпайтириб борилс, у ҳолда $I_{\text{ишт}}$ қийматининг камайиши билан $M_{\text{ишт}}$ ҳам камайиб боради (10.1-расм). 10.1-расмда кўрсатилган резистор характеристикаларнинг сони ротор занжирдаги ишга тушириш резисторининг поғоналар сонига тенг қилиб олинган. Шундай қилиб, ротор занжирдаги актив қаршиликни ўзгартириш билан ишга тушириш токи ва моментини осонгина ўзгартириш ҳамда турли резисторли механик характеристикаларга эга бўлиш имкони фаза роторли моторнинг асосий афзалликларидан ҳисобланади. Фаза роторли моторнинг иши резисторли характеристикадан табиий характеристикага ўтказилганда, у худди қисқа туташтирилган роторли мотор сингари ишлай бошлайди. -расмда келтирилган механик характеристикаларинг иш қисми тўғри чизикқа яқин бўлгани учун ротор занжирга киритилган резистор поғоналари қаршилигини параллел кўзгатишли ўзгармас ток моторники сингари график усулда аниқлаш мумкин. координаталари, масалан, $S = 0; M = 0$ ва $M = M_n; S = S_n$ бўлган икки нуқтани туташтириш билан асинхрон моторнинг табиий характеристикаси олинади. Фаза роторли моторни ишга туширишда, яъни $S = 0$ бўлганда $I_{\text{ишт}} = I_{2n}$ ва $M_{\text{ишт}} = M_n$ бўлса, ротор занжирдаги актив қаршилик ўзининг номинал

қиймати $R_{2н}$ га тенг бўлади. Бунда қуйидаги пропорцияни тузиш мумкин, яъни $\frac{R_2}{R_{2н}} = \frac{M_н}{M} S$. Агар $M = M_н = \text{const}$ бўлса $\frac{R_2}{R_{2н}} = S$ бўлади. Демак, ротор занжиридаги актив қаршиликнинг нисбий бирликдаги миқдорини сирпаниш билан аниқлаш мумкин. Моторнинг номинал қаршилиги эса қуйидагича аниқланади:

$$R_{2н} = \frac{E_{2н}}{\sqrt{3}I_{2н}},$$

бунда $E_{2н}$ – узуқ чулғамининг икки фазаси орасидаги э. ю. к.;

$I_{2н}$ – роторнинг номинал токи. Моторнинг $E_{2н}$ ва $I_{2н}$ қийматлари каталогда берилган бўлади.



10.1-расм. Асинхрон моторнинг резистор характеристикалари.

Ишга тушириш токини номинал ток қиймати $I_{2н}$ гача чегараловчи ротор занжирининг тўла актив қаршилиги фаза роторли моторнинг номинал қаршилиги деб аталади ва $R_{2н}$ билан белгиланади. Демак, ротор чулғамининг ҳар бир фазасидаги актив қаршиликнинг қиймати $R_p = S_н R_{2н}$ бўлади. Резистор поғоналарининг қаршиликлари ҳам ишга тушириш графигидан фойдаланиб, юқоридаги ифода асосида аниқланади.

1.4. Қисқа туташтирилган асинхрон моторни ишга тушириш

Қисқа туташтирилган асинхрон моторни электр тармоғига бевосита улаб ишга тушириш мумкин. Бунда мотор, жуда оз вақт бўлса ҳам, қисқа туташтириш режимида $I_{ишт} = (5 \div 10) I_н$ токи билан ишлайди. Бу токнинг қиймати жуда қисқа вақт ичида юклама токи қийматигача пасайганлиги сабабли унинг мотор учун хавфи бўлмайди. Лекин бундай моторларнинг электр тармоғига уланиш сони катта бўлса, мотор $I_{ишт}$ токи таъсирида ҳаддан ташқари қизиб кетиши мумкин. Шунга кўра электр тармоғига уланиш сони катта бўлган ҳолларда қисқа туташтирилган роторли моторларни қўллаш тавсия этилмайди. Катта қувватли моторларни ишга туширишда $I_{ишт}$ нинг таъсири билан электр тармоғидаги кучланиш U нинг қиймати сезиларли даражада кетиши мумкин. Бунда, M нинг U^2 га пропорционаллиги сабабли электр тармоққа уланиб маълум юклама билан ишлаб турган бошқа асинхрон моторларнинг баъзилари ўз-ўзидан тўхтаб қолиши, кучланиш тикланиши билан эса уларнинг яна айланиб кетиш хавфи

бўлади. Демак, айрим ҳолларда моторни энг оддий усул, яъни уни бевосита электр тармоғига улаш билан ишга туширишнинг имкони бўлмайди. Қисқа туташтирилган роторли моторни бевосита электр тармоққа улаб ишга туширишда $P_m \leq 0,25 P_{TM}$ бўлиши лозим, бунда P_m – моторнинг қуввати; P_{TM} – электр тармоғидаги таъминловчи трансформаторнинг қуввати.

Ҳозирги пайтда электр тармоқларидаги қувват жудда катта қийматга эгалиги учун бир неча минг кВт ли моторларни ҳам бевосита ишга тушириш мумкин. Қишлоқ хўжалиги ва қурилишларда эса нисбатан кичик қувватли ток манбалари ҳам бўлади. Агар қисқа туташтирилган роторли моторни электр тармоғига бевосита улаб ишга тушириш имконияти бўлмаса, моторнинг ишга тушириш токи қиймати қуйидаги усуллар билан камайтиради.

1. *Қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторни юлдуз схемадан учбурчакли схемага ўтказиб ишга тушириш.* Моторда учбурчакли ёки юлдуз схеманинг қўлланилиши статор чулғамининг фаза кучланишига ва электр тармоғидаги фазалараро кучланиш қийматига боғлиқ бўлади. Масалан, тармоқдаги кучланиш 380 В бўлиб, мотор паспортида берилган кучланиш 220/380 В, яъни унинг фазаси 220 В кучланишга ҳисобланган бўлса, бу моторни

$$U_{\phi} = \frac{U_n}{\sqrt{3}} = \frac{380}{1,73} = 200$$

юлдуз схемада улаш керак. Бунда унинг фазасига 200 В, яъни нормал кучланиш берилади. Агар моторнинг фазаси 380 В бўлса, бундай моторни учбурчаклик схемада улаш керак. Агар учбурчакли схемада уланиш лозим бўлган моторни юлдуз схемада улаб ишга туширилса, унинг фазасига нормал кучланишга нисбатан $\sqrt{3}$ марта кам кучланиш берилган бўлади.

Натижада, электр тармоғидан моторга берилаётган токнинг I_n қиймати, учбурчаклик схемадагига нисбатан уч марта камаяди. Ишга тушириш токининг уч марта камайрилиши сабабли электр тармоғидаги кучланишнинг пасайиши ҳам сезиларли бўлмайди. Юлдуз схемада қуйидагидан иборат бўлади. Ом

$$I_n^Y = I_{\phi}^Y = \frac{U_n}{\sqrt{3}Z_{\phi}}$$

қонунига биноан $I_n^Y = I_{\phi}^Y$ – юлдуз схема билан уланган моторнинг линия ва фаза токлари; Z_{ϕ} – статор чулғамининг фаза

$$I_n^{\Delta} = \sqrt{3}I_{\phi} = \sqrt{3} \frac{U_n}{Z_{\phi}}$$


қаршилиги. Учбурчакли схема учун эса

$$\frac{I_n^Y}{I_n^{\Delta}} = \frac{U_n \cdot Z}{U_n \cdot Z_{\phi} \cdot 3} = \frac{1}{3}$$

бўлади. Бунда айлантирувчи момент ва қувват нисбатлари ҳам

$$\frac{M^Y}{M^{\Delta}} = \frac{1}{3}; \frac{P^Y}{P^{\Delta}} = \frac{1}{3}$$

бўлади.



10.2-расм. Асинхрон моторни юлдуз схемасидан учбурчаклик схемаси ўтказиб ишга тушириш.

Демак, бу усул билан моторни фақат салт иш режимида ёки $M = (5 \div 10) M_n$ бўлган юкламаларда ишга тушириш мумкин. -расмда моторни алмашлаб улагич у билан юлдуз схемадан учбурчаклик схемага ўтказиб ишга тушириш кўрматилган. Ишга тушириш фараёни тугаши билан мотор учбурчаклик схемага ўтказилади.

Ҳозирги пайтда бу усулдан кенг фойдаланиш мақсадида фаза кучланиши 380 вольтга ҳисобланган ва, демак, нормал иш режимида, 380 вольтли электр тармоғига учбурчаклик схемада уланадиган, керак бўлганида эса юлдуз схемада ишга тушириладиган моторлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

2. Қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторни унинг статор чулғамига актив ёки индуктив қаршиликларни кетма-кет киритиб ишга тушириш. 10.3-расм, а ва б ларда моторни актив R_T ва индуктив X_T қаршиликлар билан ишга тушириш схемаси кўрсатилган. Бунда электр тармоғидаги кучланишнинг маълум қисми R_T ёки X_T қаршиликларга ўтиб, қолган қисми статор чулғамига берилади. Ишга тушириш жараёни тугаши билан, рубильник P_2 ни беркитиб, моторга нормал, яъни тўла кучланиш берилади. Бунда мотор ўзининг табиий характеристикасига ўтиб ишлай бошлайди. Ишга тушириш токини бевосита улашдагига нисбатан m , моментини эса n марта камайтириш учун статор чулғамига киритиладиган R_T ёки X_T қаршиликлар қуйидагича аниқланади. $M \equiv U^2$ бўлгани учун $n = m^2$, яъни момент токининг қийматига нисбатан кўпроқ камаяди. Ҳақиқатан, $m = 0,7$ бўлса, $n = 0,49$ бўлади.

10.4-расмда кўрсатилган графиклардан мотор токини m марта камайтирувчи R_T ва X_T қаршиликлар қуйидагича аниқланади:

$$R_T = \sqrt{\left(\frac{Z_M}{m}\right)^2 - X_M^2} - R_M;$$


$$X_T = \sqrt{\left(\frac{Z_M}{m}\right)^2 - R_M^2} - X_M,$$

бунда $\frac{Z_M}{m}$ – моторнинг ишга тушириш токини m марта камайтириш учун керак бўлган тўла қаршилик;


$R_M = R_1 + R_2^k, X_M = X_1 + X_2^k$ – моторнинг актив ва индуктив ички қаршиликлари.

Шунга ўхшаш, ишга тушириш моментини n марта камайтириш учун керак бўлган ташқи R_T ва X_T қаршиликлари қуйидагича аниқланади:

$$R_T = \sqrt{\frac{Z_M^2}{n} - X_M^2} - R_M, \quad X_T = \sqrt{\frac{Z_M^2}{n} - R_M^2} - X_M$$



10.3-расм. Қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторни: а) актив R_T ; б) индуктив X_T қаршиликлари воситасида ишга тушириш схемалари.



10.4-расм. Асинхрон моторни ишга туширишдаги ташқи актив R ва индуктив X қаршиликлари қийматини аниқлаш диаграммалари.


Салт иш режимда ёки кичик юклама билан ишга тушириладиган катта қувватли ва паст кучланишли моторларнинг $I_{ишт}$ ни камайтириш мақсадида актив R_T қаршилигидан, юқори кучланишли

моторларда эса индуктив X_T қаршилиги (реактор) дан фойдаланилади. Моторнинг ишга тушириш токини чегараламай, фақат моментини камайтириш лозим бўлса, статорнинг бир фазасига R_T ни киритиш кифоя. Бу оддий ва тежамли усулни кичик ва ўрта қувватли станок, кран ва транспорт механизмларидаги моторларда қўллаш тавсия қилинади.

3. Қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторни автотрансформатор билан ишга тушириш. 10.5-расмда асинхрон моторни автотрансформатор билан ишга тушириш схемаси кўрсатилган. Бунда моторни рубильник, P_1 билан электр тармоғига улашдан аввал, P_2 берк, P_3 эса узук ҳолда бўлиши керак. Натижада статор чулғамига автотрансформаторнинг трансформация коэффиценти k_a марта қадар камайтирилган кучланиш берилади. Бунда моторнинг ишга тушириш токи, автотрансформаторнинг мотор уланган иккиламчи чулғамида k_a камайса, электр тармоғига уланган бирламчи чулғамида k_a^2 марта камайд. Шунга кўра, ишга тушириш моментининг қиймати ҳам k_a^2 марта камайд. Моторни ишга тушириш фараёни бошлангандан сўнг, P_2 рубильниги очилади. Бунда автотрансформатор статор

чулғамига кетма-кет уланган реакторга айланади. Натижада статор чулғамига берилган кучланиш қиймати автотрансформатордагига нисбатан бир оз кўпаяди. Айланиш частотасининг ортиб бориши билан P_3 рубликник беркитилади ва мотор номинал кучланиш билан табиий характеристикага ўтиб ишлай бошлайди.

Демак, моторни автотрансформатор билан ишга тушириш қуйидаги уч босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда, статор чулғамига $U_{1-1} = (0,5 \div 0,7) U_n$, иккинчида $U_{1-2} = (0,7 \div 0,8) U_n$, учинчи босқичда $U_{1-3} = U_n$, яъни тўла кучланиш берилади.



10.5-расм. Асинхрон моторни автотрансформатор воситасида ишга тушириш схемаси.

Шундай қилиб, моторни автотрансформатор билан ишга туширишда статор чулғамидан ўтадиган токнинг қиймати, реактор ва актив қаршилиқни улаш усулларидаги ток қийматига тенг бўлса ҳам, лекин электр тармоғидаги ток қиймати, уларга нисбатан k_a марта кам бўлади. Бу унинг асосий афзаллигидир. Аммо бу усул билан моторни ишга тушириш анча қимматга тушади. Шунинг учун моторни автотрансформатор билан ишга тушириш усулидан ишга тушириш моменти берилган қийматгача камайтирилганида, юқоридаги усуллар билан электр тармоғидаги токнинг қиймати етарлича камайтирилмаган тақдирдагина ва катта қувватли юқори кучланишли моторлардагина

фойдаланилади.

Қисқа туташтирилган роторли моторлардаги $I_{ишт}$ токининг камайиши билан $M_{ишт}$ нинг ҳам камайиши, баъзи механизм, масалан, ип йигирув ёки қоғоз тайёрлаш машиналари талабига жуда кўл келса, катта қийматли $M_{ишт}$ билан ишга тушириладиган механизмлар талабини қондира олмайди. Бунда ишга тушириш токи кичик, моменти эса катта бўлган махсус қисқа туташтирилган роторли моторлардан фойдаланилади.


II-Vob. АСИНХРОН МОТОРЛАР ТЕЗЛИГИНИ РОСТЛАШ

2.1. АСИНХРОН МОТОРЛАР ТЕЗЛИГИНИ РОСТЛАШНИ НАЗАРИ ҲИСОБИ.

Асинхрон моторнинг айланиш частотаси
$$n_1 = n_2(1 - S) = \frac{60f_1}{p}(1 - S)$$

бўлгани учун унинг частотаси n_1 ва S ни ўзгартириш билан ростланади. Статордаги магнит майдон частотаси n_1 ни ўзгартириш учун статор чулғамининг жуфт кутблар сони p ни ёки унга бериладиган уч фазали токнинг частотаси f_1 ни ўзгартириш кифоя. Асинхрон моторни бошқа электр машиналари билан турли хилдаги каскад схемаларида улаб ишлатиш ҳам унинг частотасини ростлаш мумкин. Бу усуллар асинхрон мотор частотасини қониқарли кўрсаткичларга эга қилиб ростлаш анча мураккаб бўлгани учун улар амалда кам қўлланилади.

Сирпаниш S ни ўзгартириб мотор частотасини ростлаш. Айлантурувчи момент ифодасига биноан асинхрон мотор сирпанишини ўзгартириш учун ротор занжиридаги актив қаршилик R_2^k ёки статорга бериладиган кучланиш $U_{1\phi}$ нинг қийматини ўзгартириш керак. 11.1-расм, *a* да фаза роторли моторнинг ротор занжирига актив қаршиликни киритиш билан унинг табиий характеристикасидаги тезлигининг n_A дан n_B гача ростлангани кўрсатилган.



10.1-расм. Сирпаниш S ни ўзгартириб асинхрон мотор частотасини ростлаш.

Бунда R_2^k ортиши билан R_2^k ва, демак, айлантурувчи момент ҳам камаяди. Натижада мотор валидаги частота моментлар мувозанати тиклангунга қадар камайиб боради. -расмда статор чулғамига бериладиган кучланиши камайитириш билан б – қисқа туташтирилган роторли ва в – роторига актив қаршилик киритилиб $S_{кр} = 1$ бўлган фаза роторли асинхрон моторлари частотасини ростлаш кўрсатилган. Демак, $M_c = const$ бўлиб, $U_{1\phi}$ қиймати 30% га камайитрилганда қисқа туташтирилган роторли мотор частотаси 10÷15% га камайса, роторига қаршилик киритилиб,
$$S_{кр} = \frac{R_2^k}{x_1 + x_2^k} = 1$$
 қилинган мотор частотаси

50÷60% га камаяди. Кучланиш пасайганда моторнинг ўта юкланиш қобилияти кескин камаяди. Ротор чулғамига

